

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТАСАВВУРЛАРИДА ОТ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАР (дала тадқиқоти материаллари асосида)

Азизов Аҳрорбек Аъзамжонович,
ЎзРФА Тарих институти, Таянч-докторант

For citation: Akhrorbek A. Azizov. Viewpoints of people of Ferghana valley associated with horse (on base materials of field work). Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 11, pp. 69-79.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-11-8>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Фарғона водийси аҳолиси дунёқарашида от билан боғлиқ тасаввурларни сўнги дала материаллари асосида таҳлил қилади. Тоғ ва тоғолди ҳудудлар аҳолиси машғулотлари ҳамда текисликда истоқомат қилувчи деҳқон жамоалари қарашларини солиштиради. Отнинг инсон ҳаётидаги ўрни, маросимлардаги аҳамияти ёритилган. Аҳоли орасида от билан боғлиқ мавжуд тушунчалар очиб берилган. Отнинг парваришидаги ўзига хос жиҳатлар, ёшига қараб ном бериш каби жиҳатлари билан боғлиқ анъаналар тилга олинади. Ушбу жониворнинг ўзбек халқи турмушидаги ўрни очиб берилган.

Калит сўзлар: от, қулун, калта той, гунан, пушти, аси, бия, Қамбар ота.

МИРОВОЗЗРЕНИЯ ЛЮДЕЙ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ, СВЯЗАННЫХ С ЛОШАДЬЮ (НА ОСНОВЕ МАТЕРИАЛОВ ПОЛЕВЫХ РАБОТ)

Азизов Аҳрорбек Аъзамжонович,
Институт Истории АНРУз, базовый докторант

АННОТАЦИЯ

В этой статье автор анализирует мировоззрения населения Ферганской долины на основе последних полевых материалов связанной с коньей. Сравнивает взгляды горных и предгорных населений и крестьянских сообществ, который живущих на равнинах с точки зрения занятия. Подчеркнута роль лошади в жизни человека и ее значение в ритуалах. Раскрыто существующие понятия, связанные с лошадьми среди населения. Упомянуты традиции, связанные с особенностями разведения лошадей, такими как присвоение имен по возрасту. Раскрыта роль этого животного в жизни узбекского народа.

Ключевые слова: кон, кулун, калта той, гунан, пушти, аси, лошадь, Камбар ота.

VIEWPOINTS OF PEOPLE OF FERGHANA VALLEY ASSOCIATED WITH HORSE (ON BASE MATERIALS OF FIELD WORK)

Akhrorbek A. Azizov,

Institute of History of Academy of Science of Uzbekistan,
PhD student

ANNOTATION

In this article, the author analyzes the worldviews of the people of the Ferghana Valley based on the latest field materials related to horse. Compared the views and occupations of people that lived of mountain and foothill villages and plain communities. The role of the horse in human life and its importance in rituals are emphasized. Existing concepts related to horses among the population are disclosed. Traditions of the horse breeding features such as naming by age are mentioned. Revealed the role of this animal in the life of the Uzbek people.

Key words: horse, kulun, kalta-tay, ghunan, pushty, asy, mare, Kambar-Ata.

Асрлар давомида инсон кўплаб жониворларни қўлга ўргатиб, асосий тирикчилик манбаси сифатида фойдаланиб келган. Ҳозирги кунда ҳам ушбу ҳайвонлар одамлар турмуш тарзида алоҳида ўрин тутуди. Аҳоли дунёқарашида асосан уй ҳайвонлари катта рол ўйнайди [30, С.308]. Қорамол, қўй, от ва бошқа уй ҳайвонларини парваришlash алоҳида соҳа сифатида шакллланган. Халқ орасида уларни боқиш хўжаликда ўз эҳтиёжларини қондиришнинг асосий воситаларидан бири сифатида қараш вужудга келди. Айниқса, маросим-

ларни ўтказишда ҳам уларнинг аҳамияти янада ортди. Бундан ташқари диний дунёқарашнинг ҳам алоҳида категорияни ташкил этади [12, Б.9].

Инсон ва ҳайвон ўртасидаги муносабатлар тадқиқоти доимий равишда олимларнинг диққат эътибори марказида бўлиб келган. Жониворлар билан боғлиқ мифология [4, 26], дунёқарашларнинг шаклланиши [1, 2, 31, 21], уларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни [25, 7, 29], дин ҳамда ҳайвон масаласи [8, 5, 36, 6] таҳлил этилган долзарб илмий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Аммо ўзбек халқи дунёқарашида жониворлар масаласи қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган бўлсада [32, 28, 34, 30, 35, 12, 13], дала материаллари асосида тўпланган маълумотлар билан изчил таҳлил қилинмаган ва алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Аҳоли орасида кенг тарқалган чорва турлари асосан йилқи ҳамда қўй ҳисобланган [28, С.62]. Чорвачиликда қўйчилик, қорамолчилик билан биргаликда халқ орасида йилқичилик тараққий этган [11, С.15] ва отга нисбатан ўзига хос муносабат вужудга келган. Бундай муносабатлар шаклланиши натижасида инсон ва от ўртасида қарашлар мустақамланди. Халқ орасидаги ишонч жониворнинг хусусиятлари туфайли инсон турмуш тарзида янада чуқурроқ илдиз отди.

Йилқичилик Фарғона водийсининг тоғолди минтақаларида анча ривожланган бўлиб, аҳоли орасида от ва унинг хусусиятлари ҳақида айрим қарашлар ҳозирги кунда ҳам яхши сақланган. От ҳақида халқ орасида “Йигит-кишининг қаноти” [12, Б.22], “От-тумор”, “От-мурод”, “От-давлат” каби мақол ҳамда ибратли сўзлар вужудга келган бўлиб, отга нисбатан алоҳида қараш шаклланишининг ёрқин исботидир [14]. Инсон тасаввурларида отга нисбатан бундай қарашлар шаклланиши биринчи галда унинг илдизи қадимий диний эътиқодларга бориб тақалишини кўрсатади [10, Б.18].

Отни парваришлаш азалдан аҳолида эътибор берилган машғулотлардан бири ҳисобланади. Айниқса, қўйни маълум ёшда ўзига хос атамалар билан номлаш кенг тарқалганидек, жониворлар ичида отни ҳам парваришлаш давомида турли ёшда турлича ном билан аталишини кузатиш мумкин. Отларни ёшини белгилаш ва номлаш ҳар йили амалга оширилган ҳамда янгиланиб борган. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғилик йилқичи Холиқулов Хорун ота [15]нинг айтишича отнинг янги туғилгани — қулун, бир ёшда — калта той, икки ва уч ёшида — ғунан, тўрт ёшда — пушти, беш ёшда — аси, олти ёшда эса от ҳамда бия номлари билан аталади. Шу орқали отни парваришлашдаги ёндошув амалга оширилади. Отни ёшини аниқ-

лашнинг зарурияти уни уйирга қўшишда ва айғирларни саралаб олишда жуда муҳим омил ҳисобланади.

Отларни ёшини бозорларда аниқлаш учун тажрибали йилқичилар унинг тишларига эътибор беради. Тишлари тушган отни бозорда ҳеч ким харид қилмайди. Чунки бундай отлар қари ҳисобланиб, улардан хўжаликда ҳам йилқичиликда ҳам фойдаланиб бўлмайди. Отларнинг ўртача умри давомийлиги 30 йилни ташкил этишини одамлар яхши билади. Тажрибали йилқичиларнинг айтишича яхши парвариш қилинган от 32 йил яшаганини кўришган. Энг умри узоқ бўлган отни 40 ёшга чиқиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бозорда отни ёшини аниқлашда унинг озиқ тишига эътибор берилади ва халқ орасида у “азу тиш” деб аталади. Беш ёшдан бошлаб отларда азу тиши чиқади. Бундай тишлар урғочиларида бироз кейинроқ номоён бўлади. Отларни подаларга саралашда шу белги асосий аниқлаш усули ҳисобланади [16].

Бундан ташқари йилқи ташқи кўриниши унинг қиймати ҳамда айғирликка саралашда биринчи ўриндаги талаблардан ҳисобланиб, аҳоли орасида уларнинг чиройига катта аҳамият берилади. Бундан ташқари отларнинг ранги азалдан маросимий хусусиятга эга эка бўлган [12, Б.22]. Айрим ранглар ҳосиятли ҳисобланса, айримлари одамлар томонидан унча маъқулланмайди. Отларга ном (лақаб) беришда ҳам айнан ранг муҳим ўринга эга. Масалан аҳоли томонидан қизил рангли от — жийрон, оқ ранглиси — бўз, аралаш рангдагиси — ола ва энг кўзга ташланувчиси — қора отлар ҳисобланган. Отнинг ёли ранги унинг ҳосиятли ёки аҳамиятга эга бўлмаган отга айланишига сабаб бўлган. Аҳоли қора рангли ёли ва думи бўлган отларни ҳосиятли деб билганлар. Уларга алоҳида эътибор берилган. Айрим аҳоли вакиллари орасида маълум ранг асосий қадрланувчи ранг ҳисобланган. Хусусан, ўзбек-лақайлар орасида ҳам бўз рангли отлар қадрланган [23, С.80].

От ўзини тутиши ҳамда инсонларга нисбатан муносабати тўғрисида одамлар томонидан ўзига хос қарашлар илгари суриб келинган ҳамда аҳоли вакиллари ушбу тасаввурларга ишониб келадилар. От аввало ўз эгасига садоқатли жонивор ва ўз уйирдан ҳеч қачон узоққа кетмайди деб тушунилган. Уйирдаги тартиб айғир томонидан назорат қилинган. Агар иккита уйир бир бирига аралашиб кетса, айғирлар ўз бияларини подадан ажратиб олади ва ўз уйирга қўшади. Бегона бияни ўз уйирга ҳеч қачон киргазмайди. Аҳоли вакилларининг фикрича бу ўзига хос от оиласи ҳисобланиб, баҳорда айғирга қўшиб берилган бия кузгача то йилқичи томонидан алоҳида ўраларга ажратилмагунча шу уйирда айғир ихтиёрида ва ҳимоясида бўлади. Айғирлар ўз бияла-

ри ва уларнинг тойларини ташқи ҳавфдан ҳимоя қилади ҳамда йирқичларни қувиб юборади. Отнинг садоқати ўз уйиридаги муносабатларда яққол кўринади.

Тажрибали йилқичи Холиқулов Хорун ота [15] берган маълумотга қараганда 20 та бия бир уйир қилиб боқилса, унга битта айғир бириктирилади ва айғир нафақат ўз уйирини ҳимоя қилади, балки, йилқичидан ҳам бохабар бўлиб туради. Агар йилқичи кечаси ухлаётган бўлса, маълум бир вақт оралиғида айғир айланиб келиб, ҳидлаб хабар олиб туради, агар ҳавф бўладиган бўлса, қаттиқ овоз билан уйғотади. Ахборотчининг айтишича халқ орасида “От одамни яхши кўради” деган гап бор. Чунки яйловда отлар ҳеч қачон йилқичи кўзидан узоққа кетиб қолмайди ҳамда белгиланган ҳудуддан бошқа ерга қочиб кетмайди. Бундан ташқари йўлда бўрилар ҳужум қилган ҳолда от ўз устидаги эгасини бўри ҳамласидан ҳимоя қилади деб билладилар.

Отнинг феъл-атвори тўғрисида одамлар орасида ишонч шаклланган бўлиб, уларга доимо ижобий муносабатда бўлиш талаб этилади. Айниқса, отнинг тойлигидан уни уриб бўлмаслиги, отнинг хотираси жуда кучли бўлиши тўғрисида тасаввурлар мавжуд. Аҳоли отни тарбиялаш жараёнида урилса ёки ёмон муомалада бўлинса, от ҳам бирор ёмон одат чиқаришига ишонишади. Чунки от бир ёмон одатга тойлигида ўрганса, умри давомида шу одатини такрорлай беради. Масалан, тегиши ва айниқса тишлаши нотўғри парвариш билан боғлиқ деб баҳолайдилар. Халқ орасида барча жониворлар сингари отни ҳам юзи ва кўзига уриш тақиқланади [17, 12, Б.23].

Миниш учун от танлаш энг долзрб масалалардан бири бўлган. Аҳоли вакилларининг фикрича миниш учун бияни танлаш барча учун мос келади. Чунки биялар табиятан жуда ҳам юввош бўлиб, уларни эгарлаш ҳамда миниш ҳаттоки янги чавандозга ҳам ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Улоқ ва бошқа ўйинлар учун эса отларнинг имкониятидан келиб чиқиб танлаб олинади.

Отнинг қимизини одамлар сил касаллигини олдини олади деб ҳисоблайдилар ҳамда бу ичимлик одамни ёш сақлашига ишонадилар. Отнинг омад келтириши тўғрисидаги тасаввурларни аҳоли орасидаги кўринишлари ҳақида Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Полосон қишлоғилик ахборотчи [20] маълумот берар экан. Тушда от кўриш бойлик эканлиги тўғрисидаги қарашлар жуда кенг тарқалганини таъкидлади. Кўпчилик аҳоли вакилларининг ҳозир ҳам бирор ишни бошласа, ёки совчиликка борса, ўз иши ҳайрлими ёхуд бу ишни тўхта-тиш керакми деган муаммоси бор инсонлар тунда “истиффор” намозини ўз мақсадини айтиб ўқиса, унга туш аён бўлиши, агар тушида

оқ от кўрадиган бўлса, ушбу иш ҳамда совчилик ҳайрли эканлиги аниқланишига қаттиқ ишонадилар.

Бундан ташқари унинг маълум қисмлари омад келтириши, ҳавф-хатардан, ёмон кўздан сақлаши, бойликни уйга чақириши тўғрисида айрим қарашлар ҳозирги кунда ҳам аҳоли томонидан амал қилиниб келинаётган тасаввурлар ҳисобланади. Хусусан, дарвозаларга от тақасининг осиб қўйилиши ушбу уйга омад ҳамда давлат олиб келишига ишонч мавжуд. Отнинг югани ҳам сақловчи тумор сифатида қаралади [12, Б.23]. Ўзбек халқи орасида отни бало-қазодан ҳамда ёмон кўздан сақловчи сифатида қараш мавжуд бўлса, тожик халқи орасида эса отга дев сифатида қараш мавжуд бўлган [23, С.82].

Отнинг ўзини тутиши ҳам маълум ҳавфдан огоҳлантириши мумкин. Агар ўрадаги биялар бир-бирини тишлаб, тепкилайдиган бўлса, бирор фалокат бўлади деб ҳисобланади [15].

Ўзбек халқи тасаввурларида от билан боғлиқ бола туғилишига оид қарашлар ҳам мавжуд ҳисобланади. Агар бола ёли билан туғилса, у фарзанд омадли бўлади деб ҳисоблайдилар. Аҳоли орасида ўғил фарзандни “той бола” деб чақирилиши одат тусига кирган [3, Р.316]. Ҳозирги кунда суннат тўйларга от олиб келиш одати мавжуд. Яқин-яқинларда ҳам бешикларда тумор билан биргаликда от ёлини осиб қўйиш ҳоллари мавжуд бўлган [15]. Чақалоққа чилла кўйлагини кийдиришда отнинг кучи ҳамда хусусиятларини ўтказиш учун алоҳида магик маросим ўтказилган. Яъни чилла кўйлак отнинг қозигига кийдирилгандан сўнг чақалоққа кийдирилган [12, Б.23].

Бундан ташқари отнинг эгари ва узангисини бойлик ҳамда барака рамзи сифатида билиб, бировга бериб юборилмаган. Аҳоли ушбу қоидаларга амал қилиб келган ҳамда ўз турмуш тарзида ушбу қоидалардан четлашмаган. Яна анжомлардан бири ҳисобланган отнинг қамчиси ёмон руҳларни, жинларни қувишига ишонч мавжуд бўлиб, уни осиб қўйиш орқали бало-қазодан сақланиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Хатто шомонлар томонидан бугунги кунда от қамчисидан жинларни инсон танасидан қувиш воситаси сифатида фойдаланилишини кузатишимиз мумкин [18].

Ширмонбулоқ қишлоғи аҳолиси хотираларида от билан боғлиқ ўйинлардан “ўпка жангги” сақланиб қолган бўлиб, бошқа ҳудудларда ушбу ўйин учрамайди. Бу ўйин тўйларда уйиштирилган бўлиб, тўйда сўйилган буқанинг ўпкасини икки қисмга бўлган ҳолда талабгорларга берилган. Беллашувчилар эса ушбу ўпка ёрдамида ўз рақибини от устидан уриб тушириши зарур ҳисобланган. Бундай ўйинлар ҳозирги кунда уюштирилмай қўйилган [19].

Бу ҳудудда тўйларда ташкил этилган иккинчи от билан боғлиқ ўйин “от устида кураш” ҳисобланади. Курашчилар аввал бир-бирларига яқин келган ҳолда ўзаро қўлларини яхшилаб ушлаб оладилар ҳамда курашишга буйруқ бўлиши билан беллашув бошланган. Иштирокчилардан кимда-ким от устидан йиқитилса у мағлуб ҳисобланган [15]. От иштирокидаги ўйинлар аҳоли тасаввурларига қараганда жуда муҳим ҳисобланиб, нафақат жисмонан бақувват бўлишга, балки, от билан инсон бир-бирини тушуниши учун бу ўйинлар тайёргарлик бўлиши белгиланган. Одамларнинг фикрича от ўз чавандози билан бир хил ҳаракат қилади ва унга мослашади. Отни аҳоли “инсоннинг бир умрлик йўлдоши” сифатида биладилар.

От билан боғлиқ маросимлар ҳам мавжуд бўлган. Улардан бири “давра солиш” ҳисобланади. Ушбу маросим марҳумнинг отига унинг кийимлари ҳамда нарсаларини ташлаб қўйган ҳолда марҳумни хотирлаш ҳисобланади [12, Б.22]. Қадимдан туркийларда от билан дафн этиш кенг тарқалган ҳисобланади.

Йилқичилар орасида отнинг пирига нисбатан алоҳида ишонч мавжуд бўлиб, отнинг ҳомийси — Қамбар ота [33, Б.48] ҳисобланади. Бундан ташқари от билан боғлиқ зиёратгоҳлар бўлиб, улар асосан диний авлиёлар ёки тарихий шахслар номи билан учрайди. Масалан: Дул ота ёки Дулдул ота зиёратгоҳлари, “Пойи Дулдул” каби бир нечта мазорлар хазрати Али номи билан боғлиқ ҳисобланади [12, Б.22-23]. Фарғона водийсида Дулдул оти билан боғлиқ зиёратгоҳлар кўплаб учрайди [9, Б.56].

Айрим ҳудудлардаги қўл ёки жойларнинг номлари ҳам от билан боғлиқ ҳисобланади. Бунга мисол тариқасида лақайлар орасида кенг тарқалган той тўғрисидаги афсонани келтириш мумкин [23, С.82]. Унга кўра йилқичининг тойи “Яшил қўлга” кириб кетиб қайтиб чиқмаган. Бошқа бир ривоятда эса бир мўйсафит отида “Яшил қўл” ёнидан ўтиб кетаётган ибодат вақтида тўхтаган. Оти унинг яқинида ўтлаб юрган. Бир вақт қўлдан “тарлон от” чиқиб келган ва бияни сув билан қоплаган. Кейинги йилга мўйсафитнинг оти чиройли той хадя қилган. Той бир ойликда бир ёшдек, икки ойликда икки ёшдек бўлиб тез улғайган. Унинг довуғи хукмдорга етиб бориб, отахондан катта пул эвазига отни сотиб олган экан.

Ўзбекларнинг айрим гуруҳлари этноними ҳам от номи билан боғлиқ эканлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ҳисорнинг тоғли туманларига кенг тарқалган ўзбек уруғи ўзини “калтатой” деб атаган [22, С.77]. Топонимлардан эса йилқичи қишлоғини келтириб ўтишимиз мумкин [24, С.57].

Ўзбекларда жониворларга нисбатан муносабат қандай эканлиги уй ҳайвонларини парваришlash жараёнида яққол кўзга ташланади. Шу орқали табиатни асраш, барча жониворларга нисбатан ижобий муносабат ўрнатган ҳолда табиат занжирига зиён етказмасликни яхши тушуниб етади. Инсон ҳаётини бошқа бир жониворга ишониши, унинг ҳаётини қадрлаши, эъзозлаши айнан от мисолида ўз исботини топган.

Бугунги кунда отни эъзозлаш, унга бойлик, инсоннинг яқин ҳамроҳи, Тангри томонидан одамларга берилган тумор ва сир-синоатга бой жонивор сифатида ўз ўрнига эга. Бугунги кунда у маросимларни адо этишда муҳим вазифани бажариб келмоқда. От ҳамон ўзини тутиши, инсонга садоқати билан аҳоли орасида алоҳида аҳамият касб этадиган жонивор бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Clifford Geertz. The Interpretation of Cultures. New York. Basic Books, 1973.
2. Emile Durkheim. The Elementary Forms of the Religious Life. The Free Press, New York. 1965.
3. Ismailov A. Totemic foundations of the Uzbek anthroponomy. Motif Akademi Halkbilimi Dergisi / 2014-2 (Temmuz-Aral?k).
4. Jeang Lang. A book of Myths. New York, G. P. Putnam's sons. 1914.
5. Kristen Stilt. Animal Welfare in Islamic Law. Northwestern University of Chicago. 2015.
6. Myat Min, Cho Cho Zaw. ANIMAL care: An islamic perspective with particular reference to unwanted pets – stray dogs and cats. International Journal of Business, Economics and Law, Vol. 9, Issue 5 (Apr.) 2016.
7. Tim Ingold. What is an Animal? London and New York. Routledge, 1994.
8. William C. Chittick. Journal of the Muhyiddin Ibn? Arabi Society, Volume 46, 2009.
9. Абдулаҳатов Н.У. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг ўрни. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация. – Т., 2008. (Abdulkhator N.U. The role of pilgrimage in the daily life of Ferghana valley people. The dissertation of candidate of History. – Tashkent, 2008.)
10. Авесто: Яшт китоби/М.Исҳоқов таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 2001. (Avesta: The Book of Yasht / translated by Iskhakov M. Tashkent. East, 2001.)
11. Агафонова Г.А. О чем рассказывают наскальные рисунки. - Ф.:

Кыргызстан, 1982. (Agaphonova G.A. What rock paintings tell. Frunze, Kyrgyzstan, 1982.)

12. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. (Ashirov A. The ancient beliefs and rituals of Uzbek nation. Tashkent, The publisher National Library named after Alisher Navai, 2007.)

13. Бахронова Д.К. Антропозоморфизмларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. — Тошкент: Fan va texnologiya, 2018. (Bakhranova D.K. Lingvoculturologic characters of anthropomorphisms. Tashkent, Science and Technology, 2018.)

14. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2018 йил. Маҳмудов Пулатжон 1933 й. (Field works. Andijan region, Bulak-Bashi district, Shirman-Bulak Village. 2018 year. Makhmudov Pulatdjan 1933 y.)

15. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2018 йил. Холиқулов Хорунбой 1928 й. (Field works. Andijan region, Bulak-Bashi district, Shirman-Bulak Village. 2018 year. Kholikulov Khorunbay 1928 y.)

16. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2018 йил. Холиқулов Абдуллажон 1964 й. (Field works. Andijan region, Bulak-Bashi district, Shirman-Bulak Village. 2018 year. Kholikulov Abdulladjan 1964 y.)

17. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2018 йил. Исақов Акабой 1928 й. (Field works. Andijan region, Bulak-Bashi district, Shirman-Bulak Village. 2018 year. Isakov Akabay 1928 y.)

18. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2018 йил. Сулаймонов Иброҳимжон 1940 й. (Field works. Andijan region, Bulak-Bashi district, Shirman-Bulak Village. 2018 year. Sulaymanov Ibrokhimdjan 1940 y.)

19. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2018 йил. Маматурдиев Қубонжон 1933 й. (Field works. Andijan region, Bulak-Bashi district, Shirman-Bulak Village. 2018 year. Mamaturdiev Kurbandjan 1933 y.)

20. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Полосон қишлоғи. 2018 йил. Мадолимов Олимжон 1942 й. (Field works. Ferghana region, Altı-Arik district, Palasan Village. 2018 year. Мадолимов Олимжон 1942 й.)

21. Камад И. Обрядовая сторона культов Древней Греции. — М., 2006. (Kamad I. Ceremonial side of Cults of Ancient Greece. Moskva, 2006.)

22. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории Южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1972. (Karmysheva B.Kh. Essays on the ethnic history of the southern regions of Tajikistan and Uzbekistan. Moskva, Science, 1972.)

23. Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Сталинабад, Издательство Академии наук Таджикской ССР, 1954. (Karmysheva B.Kh. Uzbeks-Lokayans of Southern Tajikistan. Stalinabad, Publishing House of the Academy of Sciences of the Tajik SSR, 1954.)

24. Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зарафшана. – Т., Муҳаррир нашриёти, 2018. 57 с.

25. Малозёмова Е.И. Образы животных в оформлении иранского холодного оружия. Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03_03/978-5-88431-271-5/ © МАЭ РАН (Malozyomova E.I. Images of animals in the design of Iranian cold steel. Electronic Library of the Museum of Anthropology and Ethnography Peter the Great (Kunstkamera) РАН http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03_03/978-5-88431-271-5/ © МАЭ РАН)

26. Мирзаев Т., Жўраев М. “Авесто” мифологияси ва ўзбек халқ оғзаки ижоди. (Ўзбекистон тарихи журнали). –Т.: ЎЗР ФА Фан, 2001. № 3. (Mirzaev T., Djuraev M. “Avesta” mythology and oral folk art. (The Journal of History of Uzbekistan) Tashkent, Academy of Science of Uzbekistan, Science, 2001. № 3.)

27. Потапов Л.П. Волк в старинных народных поверьях и приметах узбеков / Краткие сообщения (института этнографии имени Миклухо-Маклая), Издательство Академии Наук СССР. – М., 1958. (Potapov L.P. Wolf in ancient folk beliefs and signs of the Uzbeks / Brief Communications (Institute of Ethnography named after Miklouho-Maclay), Publishing House of the USSR Academy of Sciences. Moskva, 1958.)

28. Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. Издательство Академии Наук СССР. – М., - Л., 1953. (Potapov L.P. Essays on the history of Altai. Publishing House of the Academy of Sciences of the USSR. Moskva, - L., 1953.)

29. Сатаев Р. Животные в культуре Древней Маргияны. Москва, 2016. (Sataev R. Animals in the culture of Ancient Marguins. Moscow, 2016.)

30. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. (Snesarev G.P. Relics of pre-Islamic beliefs and rites of the Uzbeks of Khorezm. - M., Science, 1969.)

31. Соколова З. Культ животных в религиях. –М.: Наука, 1972. (Sokolova Z. The cult of animals in religions. – M.: Nauka, 1972.)

32. Спришевский В.И. Погребение с конем середины I тысячелетия н.э. обнаруженное около обсерватории Улугбека. // Тр. Музея истории народов Узбекистана. Т. 1. – Т., 1951. (Sprishevsky V.I. Burial with a horse of the middle of the 1st millennium A.D. discovered near the Ulugbek Observatory. // Tr. Museum of the history of the peoples of Uzbekistan. Т. 1. - Т., 1951.)

33. Ўзбекистон номоддий маданий мероси рўйхати. UNESCO ishlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi milliy komissiyasi. –Т.: Nilol Nashr, 2016. (The List of Intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. The Library of Uzbekistan of National Commission of UNESCO. Tashkent, Khilol Publish, 2016.)

34. Хайтун Д.Е. Тотемизм его сущность и происхождение. Сталинабад, 1958. (Khaitun D.E. Totemism is its essence and origin. Stalinabad, 1958.)

35. Харитонов М.А. Образ волка в социокультурной традиции народов Центральной Азии. Улан-Удэ. 2000. (Kharitonov M.A. The image of the wolf in the sociocultural tradition of the peoples of Central Asia. Ulan-Ude. 2000.)

36. Хихлуха В., Мошна Н. Зарождение древнеегипетской религии. Ранние верования.//Гылыми-ке журнал. Олкетану №3-4, 2015. (Khikhluha V., Moshna N. The origin of the ancient Egyptian religion. Early Beliefs.// GYLYMY-KE MAGAZINE. 0LKETANU No. 3-4, 2015.)